



ЮЗГА ЕТАЁТГАН  
МОМО

3

САРАТОНДАН АВВАЛ  
ҚЎРҚУВНИ ДАВОЛАШ  
КЕРАК!



5



ЧОРРАҲА

ёзиш услуги қайси  
йўлдан юради?

7

ПОЕЗДАГИ  
“ТОМОШАЛАР”



8

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Марғилонда “Атлас байрами” миллий матолар фестивали бошланди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва “Хунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган фестивалда барча вилоятлардан келган хунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашаётир.

### МИЛЛИЙ МАТОЛАР НАМОЙИШИ

Фестиваль миллий хунармандликни ривожлантириш ва тарғиб қилиш, хунармандлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ҳудудда туризмни янада ривожлантириш имконини беради.

Марғилон хунармандлари яратган гиламлар, ипак матолар, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, сопол идишлар сайёҳларни ҳайратлантираётгани бу соҳанинг мамлакатимизда тараққий топаётганидан далолатдир.

Марғилон матоларининг хомашёси, беағи ва тўқилишига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ўнлаб турлари мавжуд: бақасам, адрас, парипошша, банорас, ҳарир, шойи, кановиз, якрўя, атлас, хонатлас, чит, олача, қалами, бўз каби. Айниқса, атлас ва хонатласнинг ўзига хос хусусияти — унинг гуллари матога эмас, ўриш ипига туширилишида. Моҳир хунармандлар томонидан яратилган ипак матолар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилган.

Марғилон дўппилари эса миллатимизнинг ўзига хос тинчлиги айланган. Марғилонлик дўппидўз аёллар қўлда тиккан дўппилар сифати, тасвирларининг такрорланмаслиги, ўзига хос ярқироклиги билан ҳар қандай кишининг диққатини тортади. Моҳир дўппидўзларнинг ишлари дунё бўйлаб кенг тарқалган ва санъат асари сифатида кўплаб этнографик музейлар фондида сақланмоқда.

Фестиваль доирасида мамлакатимиздаги хунармандлар ўртасида энг яхши экологик тоза маҳсулот ва анъанавийликни сақлаган маҳсулотларни аниқловчи кўрик-танлов, кўргазмалар, миллий матолардан яратилган либослар намоийши бўлиб ўтди. “Миллий матоларни сақлаш ва ривожлантиришнинг муҳим масалалари” мавзусидаги илмий анжуманда миллий хунармандлигимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилди.

### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ошда газетининг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!



Обуна индекси — 176

## ЭЪТИРОФ МЕХНАТИМ ҚАДР ТОПГАНИДАН БАХТИЁРМАН

— дейди Охангарон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори “Шуҳрат” медали соҳибаси Маъмура ҲАСАНОВА

У болалигидан камтарин ва изланувчан бўлиб ўсган. Маҳаллада, мактабда барчага бирдек намуна бўлган қаҳрамонимиз ўрта мактабни тугаллагач, ҳозирги Тошкент иқтисодий университетига ҳужжатларини топширади ва давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинади. Олий ўқув юртида ҳам кунт билан таълим олади. Ўқишни тамомлагач, Охангарон тумани халқ таълими бўлимида ҳисобчи вазифасида ишлайди. Ишга масъулият билан ёндашиши, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги туфайли солиқ соҳасига ишга таклиф этилади.

— Маъмура билан мана, 22 йилдирки, бирга фаолият юритиб келаяпмиз, — дейди Охангарон тумани давлат солиқ инспекцияси кадрлар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси Жаннат Аширбоева. — Уни интилувчан касбдош, оқила аёл, намунали келин, деб ҳам биламан. Иккимиз ҳам бир қишлоқ, яъни Ойбулоқда туғилиб, 8-мактабни бирин-кетин тамомлаганмиз. Ўқувчилик давримизданок унинг оиласига, ўқишига ҳавас қиларди кўпчилик. Бугунги кунда жамоамизда жами 89 ходим фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 25 нафари аёллардан иборат. Шулар орасида Маъмура Ҳасанованинг ўрни алоҳида, деб айтсам арзийди. Чунки у бош инспектор бўлибгина қолмай, яхши мураббий ҳам. Бугун беш нафар шогирди ҳам шу ерда фаолият юритмоқда. Инспекциямиз учун бу йил жуда омадли келди. Яна бир ҳамкасбимиз Икромали Ҳатамов Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Бу эса бу ерда олиб борилаётган ишлар қоникарли эканидан далолатдир. Уларнинг ютуқлари айтишга аризулик.

Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонию мувофиқ бундай юксак эътирофга муносиб кўрилганлар сафида бу жамоанинг фойқуяр вақиласи, ўз касбининг жондуйиси Маъмура Ҳасанова ҳам бор эди.

— 1992 йилда бу жамоага ишга келган эдим, — дея сўз бошлай



СУРАТДА: “Шуҳрат” медали соҳибаси Маъмура Ҳасанова (чапда).

ди Маъмура Ҳасанова. — Эсимда, мустақиллик даврининг илк давлари эди. Раҳматли устозим Мақсуда опа Қўчқорова ва Ким Лилиядан бу нозик соҳанинг сир-асорини ўрганганман. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, бу масъулиятли ишонччи оқлаш осон кечмади мен учун.

Дарҳақиқат, қорхона, ташкилот ва муассасаларда солиқ тушумлари жамланади. Белгиланган режанинг тўғри бажарилиши юртдошларимизга пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида берилишини таъминлайди. Касбимиз, катта диққат-эътибор, синчковлики талаб этади.

Аёнлигига ҳисоб қилинган, деганлари рост экан. Бу ерда ишлаб юрганымда Тўйтепа шаҳрига турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим Бахтиёр ака Ҳасанов ҳозирги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компаниясида механик бўлиб хизмат қилаяпти. Ўша кезлари биз билан ёнма-ён йигитлар ҳам ишлардик. Янги келинман-да, айрим оила вакилларидек эркаклар ишлайдиган соҳада энди ишламайсиз дейишса, керак деб ўйлагандим. Бироқ қайнонам Саодат опа (Аллоҳ раҳмат қилсин), қайнотам Йўлдош ака жуда меҳрибон, тушунган инсонлар экан: “Келинжон, қайси соҳада бўлмасин, ҳалол ишласангиз бўлгани” дедилар. Тасаввур қилинг, ҳар куни “Тўйтепа — Охангарон” йўналишидаги автобусда ишга катнаймам. Қишлоққовли кунларда анчагина қийналдим: оғироеқман. Биринчи фарзандим Мафтуна туғилганида чақалоқ парваришида қайнона-қайнотамнинг беминат кўмаги катта бўлди. Кейин 1997 йили

маслаҳатлашиб, шу ердан уй олиб беришди. Шу орада яна икки ўғилли ҳам бўлдик.

Барчасига сабр-қаноат билан эришдим. Ишонсангиз, мени юксак мукофот билан тақдирлашганини инобатга олган муҳтарам Юртбошимиздан, қолаверса, менга ишонч билдирган республика, вилоят, туман солиқ инспекцияси раҳбарлари, ходимларидан самимий миннатдор бўлдим. Ахир, мендек оддий бир аёлга нисбатан кўрсатилган эҳтиром бундан ортиқ бўладими? Бу ютуқларнинг барчаси авваломбор, жамоанинг, яна онажоним Умринисо аянинг, шунингдек, оиланинг ҳам ютуғи. Насиб этса, бундан-да яхшироқ ишлаб, бу юксак ишонччи оқлашга интиламан. Ҳамкасбарим Умида Турғунова, Ирина Расулова, Зулфия Зокирова, Дилфуза Хайдарованинг маслаҳат-гўйим эканидан фахрланаман.

Жамиятнинг қай бир соҳаси бўлмасин, ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан намуна бўлаётган аёлларимиз борлигидан қувонамиз. Яна бир гап, қаҳрамонимиз Маъмура Ҳасанова туғилиб-ўсган Ойбулоққа Яратганинг назари тушгани рост бўлса керак. У таълим олган мактабининг кимё фани ўқитувчиси Саломат Абдуқодирова “Меҳнат шуҳрати” ордени ва 103 ёшли Анорбой ота Бердалиевнинг “Шуҳрат” медали билан тақдирланишида ҳам бир ҳикмат бордир, албатта.

Нигора УРОЛОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Тошкент вилояти.

## САЛОҲИЯТ ОШМОҚДА

Замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намойиш қила олиши талаб этилади. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутати. Ҳозирги глобаллашув даврида ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг муҳир устаси, бурчиға ва шарафли номига муносиб бўлишида Куролли Кучлар тизимида таъсис этилган кўрик-танловларнинг аҳамияти чексиз.

Айнан мана шу максادلари кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида ҳарбий мутахассисликлар бўйича таъсис этилган кўрик-танловлар” тўғрисидаги анжумани Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлигининг бошқарма бошлиқлари, танлов ғолиблари, бошқа масъул офицерлар ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар. Йиғилиш давомида Куролли Кучлар фаолияти ҳамда соҳа доирасида ташкил

этилган кўрик-танловлар ҳақида кенг маълумот берувчи видеоролик намойиш этилди. Тадбир ташкилотчилари ушбу танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётгани, бу эса ўз навбатида, ҳарбий хизматчилар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириб, ўзаро тажриба алмашишга катта имконият яратаяётгани борасида сўз юритдилар.

Анжуман якунида иштирокчилар билан суҳбат ташкиллаштирилиб, ўзаро фикр алмашилди.

Ширинхон МЎМИНОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.

## Маҳалла маслаҳатчиси

Кўргонтепа тумани “Кўргонтепа” қишлоқ фуқаролар йиғини Ғайрат маҳалласининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нигорахон Сиддиқованинг ушбу вазифада ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Асли касби этномолог-агроном бўлган Нигорахон учун маҳалладошлари билан ишлаш қийин кечмади. Иш жараёнида 2326 аҳоли, 650 та оила, 434 хонадоннинг яшаш тарзи билан янада яқинроқ танишиш, нафақат уларнинг хонадонига кириш, балки қалбига қўлоқ солиб, керак пайти ёрдам қўлини чўза оладиган бўлди. Бирини ота, бирини ака, бирини сингил деб, уларнинг яқин инсонига айланди.

## УЙДАН АВВАЛ ҚАЛБГА КИРИШ КЕРАК

— Маҳалла ҳам бир оиладай гап, — дейди Нигорахон. — Оиланинг мустақкам, бардавом бўлишида кексаларнинг ўрни нақадар катта бўлса, маҳаллада кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга фаолларнинг ҳам ўрни бекиёс. Хусусан, Орзихон Сотволдиева, Рўзихон Қосимова, Абдулаттоҳ Абдурахмонов, Паҳлавон Жалилов билан биргаликда нотинч оилалардаги муҳитни, ўша оила аъзоларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини яхшилашга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, тўй-тўркин, маъракамаросимларни тартибга келтириш, ўрфга кириб бораётган ортиқча расм-русумларни йўқотишда дастурхончи, отиноийлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Натижада, тўйлар, маърака ва бошқа маросимлар ичхам, камчиким, ортиқча дабдаба-бозликларсиз ўтмоқда.

Дарҳақиқат, маслаҳатчининг кексалар ва маҳалла фаоллари билан бир ёқадан бош чиқариб, фаолият олиб бориши натижада ушбу маҳалла энг намунали гўшалардан бирига айланди.

Айни кунда бу ҳудудда қишлоқ врачлик пункти, 34-мактаб, 2 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ана шу хўжалик ва муассасалар маҳалла ободончилигида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллада ишсиз юрган ёшларни, аёлларни деярли учратмайсиз. Сабаби, уйда ўтирган хотин-қизлар, айниқса, ёшлар хунарманд оилаларга бириктирилиб, устоз-шогирд йўналишида хунар эгаллашмоқда. Мавлудахон Абдураимова кўп йиллардан буён тўқувчилик билан шуғулланади. Кўпга кизларни ёнига олиб, тўқувчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Тадбиркор Санобар Носирова эса ўзи раҳбарлик қилаётган қорхонага ёшларни касаначиликка жалб қилапти.

Шоҳсанам Орифжонова маҳалла йиғини қошида ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғарагини бошқаради. У ўз атрофига жипслашган ўсмир қизларга орасталик сирларини ўргатиб, оилавий ҳаётга тайёрлаб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, маслаҳатчининг саъй-ҳаракати билан “Қизларни турмушга тайёрлаш”, “Эрта турмушнинг олдини олиш”, “Қайнонам — онам менинг, келиним — болам менинг” сингари тадбирлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Тадбирларга маҳалладаги нурунийлар, ибратли хонадон бекалари, шифокорлар таклиф этилиб, суҳбатлар ўтказилади. Бу албатта, мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларга сабоқ бўлади.

— Худудимизни ободонлаштириш, ногирон, кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчи кексаларга моддий кўмак бериш сингари хайрли ишларда тадбиркор Майрамхон Қосимова, фермерлар Солижон Исмоилов, Акмалжон Деҳқонов ҳамиса беминат ёрдам кўрсатадилар, — дейди Нигорахон. — Шунингдек, саховатли инсон Маҳмуджон Жаббаров томонидан маҳалламизда болалар учун спорт иншооти, яъни сузш ҳавзаси барпо этилмоқда.

Ҳамжиҳатлик эзгу ишларга йўл очади. Қаердаки ҳамжиҳатлик бўлса, ўша ер обод гўшага, эзгу ишлар масканига айланади. Ана шундай ишларни йўлга қўйишда Нигорахон Сиддиқова сингари фидойи маслаҳатчиларнинг хизматлари ниҳоятда катта. Шу боис ҳам, ана шундай аёлларимиз бор бўлсин, юрт равнақи йўлида меҳнат қилиб, асло чарчамасинлар, деймиз.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,  
журналист.  
Анджон вилояти.

Замондошларимиз

## СОБИТЖОН ОШПАЗНИ БИЛМАБСИЗ...

— Қайсидир давлатга бориб қолсангиз, самолётда кетяпсизми, кинотеатрга кирдингизми, дарров сақич ва конфет билан сийлашади. Таомили шунақа экан...

— Сиз айтган жой Жанубий Америкада бўлса керак. Масалан, Мексикада эса эрталабдан-кечгача қахва ичириб, ичингизни музга тўлдиради. Ҳамма жойда ўзининг урф-одати сақланади. Аммо-лекин нима бўлгандаям, ўзимизниқидан қўямасин. Ўзбекиона ширин калом, лутф, иззат-хурмат... Эшигига меҳмон келса, кўнгли бир жаҳон бўлиб, ўзини қўйрага жой тополмайди. Кейин дарҳол куйдириб-пишириб, палов ҳозирлайди.

— Ўзбекиона ҳазил курсин, ош сузилмагунча меҳмон ҳам қўзғалмайди-да...

— Эшигидан келганлар олдида изза бўлиб қолишдан уялади, орияти кучли, меҳри уммон...

— Шарифжон, хув анави, келаётган одамлар билан қўшилишиб, ичкарига кирайлик, қадамингизни тезлаштиринг.

...Қўшни кўчада тўй бўлаяпти. Таомилга кўра, наҳорги ошга келган меҳмонларга бир-босдан лаган узатилди. Ошдан кейин эса бироз суҳбатга уланди.

— Қўлинг ўргилсин, ошни ким дамлади, ўзим ошмисан, ҳиндунинг оли бўлибди-да, — деган меҳмоннинг саволига, кейинги киши луқма билан тақаллум қилди.

— Ким бўларди, Шухрат ака, ўзимизнинг Собитжон ошпаз-да. Яқинда мен ҳам ўғилни уйламоқчиман. Келадиганларнинг кўпчилиги нозикроқ, шунга яраша дастурхонга тортиладиган таом ҳам зўр бўлиши керак. Буни фақат Собитжон эплайди.

— Гапингизда жон бор-ку, лекин бу йигит ҳеч қачон одам танлаган эмас, — дея орага қўшилди бошқа одам. — Отаси раҳматли Каримқул ота ҳам элда машхур ошпазлардан бири эди. Шундай яхши инсоннинг хислатлари ўғлига ҳам юкқан. Мана, ўғил-қизларимнинг тўйларига Собитжон хизматда бўлган. Тўйларни фақат унинг бўш қунига қараб белгилаганман. Қани, чойдан ичинг...

Гурунгни беҳиз келтирмадик. Нега десангиз, бугунги қахрамонимизнинг ички ва ташқи дунёсини очишда ана шундай оддий эйтирофлар кўпроқ аҳамиятли. Асли енгил касбнинг ўзи йўқ, лекин улар орасида ошпазлик менинг назаримда машаққатлироқдай туюлади.

Собитжон ака ана шундай моҳир ошпазлардан бири. У Учтепа туманидаги Бешқайрағоч маҳалласида истиқомат қилади. Ёши 61 да, 14 набиранинг семимли бобоси. Энди эртатка айланган ёшликнинг бебош кўчаларида турли хил ҳю-ҳавасларга берилган рост, бироқ "Мен ҳам насиб этса, отамдек зўр ошпаз бўламан" деган ният унга йўлдош бўлди. Отаси Каримқул Бердиқулов Тошкентда ном чиқарган ошпазлардан бири эди. Иккинчи жаҳон урушига кетиб, оёғидан ярадор бўлиб қайтиб келди. Отаҳон умрининг охирига қадар эл-улуснинг тўй-ҳашамларида ҳалол хизмат қилди.

— Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш, деган пурмаёно нақлни ҳар доим қалбимда ҳис қилиб тураман, — дейди нигоҳида теранлик, мамнунлик зуҳур бўлган, биз билан суҳбатга кўнгилдан, ботиниб сўзлашга киришган Собитжон ака Бердиқулов. — Бу касбни танлаганимдан хўб бахтиёрман. Отам раҳматлининг бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди: "Эшигингни умид билан тақиллатиб келган одамни, асло ноумид қайтарма".

Одамларнинг шароити нимани тақозо этса, шунга қараб иш тутиш керак. Битта одамнинг кўнглини олиш аслида, осонмас. Ҳозир одамларнинг таъби, диди нозик. Дунёқараши ўсган. Демак, талаб ҳам шун-



СУРАТДА: Собитжон Бердиқулов (ўртада) шогирдлари билан.

га яраша. Кейинги вақтларда, бот-бот оммавий ахборот воситаларида тўй-маросимларимизни дабдабасиз, ихчам, камхарж ўтказиш ҳақида кўп айтиляпти. Худди шу масалада мен ҳам тўй эгаларига уқтириб бораман. Таомларга каттадиган масалликларни имкон қадар камайтиришга, тўйдан безарар чиқшни одамларга ётиги билан тушунтираман.

Бугун Собитжон аканинг бир эмас, икки эмас, нақн беш нафар шогирди бор. Ёлнинг яхши кўнларига катта дошқозонларда ош, турли лаззатли таомлар қилишни улар бемалол эплайди. Шогирд устозидан ўлмагунча, шогирдмас, дейди доно ҳалқимиз. Собитжон аканинг ўғли Азимжон ҳамда набираси Муҳаммаджон ҳам у кишининг изидан боришяпти.

Собитжон ака ошнинг мазали чиқшининг сир-асрори, оби-оташ, яъни сув билан ўтга эҳтиёт бўлинса, ош ўзининг лаззатини, ширин таъмини ушлаб қолади, дейди.

— Ўзбек ош қилишни билмасам, уят, — дейди отахон қулимсираб. — Бошимга тушган бир воқеа ҳали-ҳануз менга сабоқ бўлиб келади. Дўстларим билан ош тайёрлайдиган бўлдик. Дам олишга чиққандик. Бу гал ҳам ош қилишни ҳеч иккиланмай қамнага топширишди. Ёлғон эмас, дўстлар даврасида тез-тез овқат тайёрлаганим учунми, мазали тайёрлайсан, деган мақтовларини эшитганман. Хуллас, ош пишди. Бироқ шу қуни мендан омад юз ўғирди. Гап билан чалғидимми ёки атроф-теваракнинг гўзаллигига махлиё бўлдими, ош тағига олиб, қирмоқ бўлиб қолибди-да. Устига-устак, сув ортиқча қуйилганми, гуручиём ланжроқ эди. Ҳозир ҳам дўстларим билан йиғилиб қолсак, яна ўзим қозон бошига бораман. Лекин ўшандан буён улар қимматга тушган тоғдаги қулғули воқеани эслаб қулиб қўйишади.

Шерзод ДЕҲҚОНОВ.

2015 йил — Кексаларни эъозлаш йили

Кексалар бор уй файзли, баракали. Уларнинг дуолари ила муваффақиятлар қалитини қўлга киритамиз. Бизнинг тўғри йўлдан боришимиз учун улар панд-насихатларини аямайдилар. Аслида, қариялар ёшлар учун ибрат мактабидир.



## ЮЗГА ЕТАЁТГАН МОМО

Юртимизда ёши улугларга бўлган эътибор, уларни эъозлаш, ҳурмат қилиш каби юксак қадриятлар қонқонимизга сингиб кетган. Зотан, биз кексаларга қанчалик иззат-икром кўрсатсак, бу саодатли ҳаётимизда ўз самарасини бермай қолмайди, албатта.

Яқинда ана шундай нуроний онахонларимиздан бири Шахрисабз туманидаги Қўтчи қишлоғида яшаётган, 95 ёшни қаршилаган Розия момо билан суҳбатда бўлдик. 18 йилдан бери ёруғ оламни кўриш бахтидан мосуво бўлган онахоннинг қадок қўллари машаққатли меҳнат тафтини, юзларидаги ажинлар эса метин ирода ва сабр-тоқатдан "сўзлайди".

Салкам юзни қаршилаётган Розия буви ҳали ҳам тетик эканлигини таъкидлаб: "Яратганга минг бор шукр, шу кунларни ҳам кўриш насиб қилган экан", — дея кўзларига ёш олиб, ўтган кунлари ҳақида сўзлаб берди. У кишининг 95 йил мобайнида ҳаётнинг аччиқ-чучуқлар, торган азоб-уқубатлари ҳақида тинглаб, беихтиёр тинч замонда туғилганлигимдан фахрлиб кетдим.

— Аллоҳга шукр қиламан, ҳали ҳам анча тетикман. Бунга тинимсиз меҳнат, тўғри овқатланиш билангина эришдим, деб ўйлайман. 1995 йиллари қишлоқда қулупнай етиштириб, шаҳарга олиб бориб сотганман. Фарзандларимга ҳам ота, ҳам она бўлдим. Умр йўлдошим 80-йилларда қазо қилган эдилар. Ҳозирда беш фарзандим, 22 неварам, 36 че-

варам бор. Ҳаммаси бир-биридан яхши, меҳрибон. Кечая кундуз ёнимда парвона, иссиқ-совуғимдан доимо хабардор. Қўни-қўшнилари, ҳамқишлоқларим ҳам ёлғизлатиб қўйишмайди. Кенгфеъл, ҳалол бўлсангиз одамлардан меҳр-оқибат кўранг экансиз. 95 ёшга кириш ҳам осон эмаскану, аммо юз билан юзлашиш ниятим ҳам йўқ эмас, — дея қулиб қўйди Розия ая Шербаева.

Бу онахоннинг ўзини тетик тутиши, ҳар бир саволларга чуқур мулоҳаза юритиб, дадиллик билан жавоб бериши ҳар қандай кишини ҳайратга солиши табиий. Бу ёшга етганлар бор, етмаганлар бор. Бугунги ёруғ, тинч-осойишта замонда умргузаронлик қилаётган бундай улуг инсонларни ҳурмат қилиш, эъозлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айти пайтда катта маънавий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳурмат, эътибор ва гамхўрлик учун чуқур миннатдорлик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустақкам ишончида, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюк гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

Эрвали НОРБЕКОВ,  
ЎзДЖТУ талабаси.

ХАЙРИЯ

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди хорижий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳукуватимиз қарорлари ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлаш учун бемор ва ногирон болаларни соғломлаштириш йўлида қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилда ҳам бундай хайрия тadbирлари мунтазам ташкиллаштириб келинмоқда. 6-13 сентябрь кунлари мазкур фонд ташаббуси билан "Аҳоли саломатлиги йўлида" деб номланган чуқурлаштирилган тиббий кўрик Жанубий Кореядаги Ин Ха университети госпиталининг бир гуруҳ малакали шифокорлари томонидан мамлакатимизнинг бир неча ҳудудлари, жумладан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Ариран" қариялар уйида ҳамда Навоий шаҳрида ўтказилди. Бу эса ўз навбатида, фондинг жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга ошириб келаётган хайрия акцияларидан биридир.

Шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар ортопедияси ва травматологияси бўлимида корейлик мутахассислар томонидан ортопедик нуқсонни бўлган болаларни бепул операция қилиш амалиётлари ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

**Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Муҳаммадиёр Тошмуродов Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги шодёнлари арафасида Президентимиз Фармонига кўра "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" унвони билан таъдирланди.**

**Муҳаммадиёр ТОШМУРОДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:**

## ҲАЁТ ВА ҲАЁЛГА СУЯНИБ ЯШАЙМАН!



— Муҳаммадиёр ака, болалик — ўша беғубор даврда оламни, одамларни англашимиз кейинчалик ҳаёт тарзимизда ўз аксини топади. Сизнинг рассом бўлиб шаклланишингизда ёшликдаги қандай омиллар туртки бўлган, дея olasиз?

— Тошкент вилояти Янгийўл туманида дунёга келганман. Шу ғўшада ўсиб-улгайдим. Унутилмас хотираларим бор. Ёшликдаги тарбия ҳаёти-мининг энг муҳим пойдевори бўлади. Раҳматли отам Эргаш ака архитектор эди. У киши туманимиз, қолаверса, қишлоғимиздаги бир нечта иншоотлар қурилишига бош-қош бўлган. Баъзида ишга кетаётим мени ҳам ёнларида олиб кетарди. Янги қурилаётган бинонинг хомаки чизмаларини қизиқиб кўтариб олардим. Отанинг ҳамкасблари билан самимий муомаласи, муносабатлари, бинонинг чизма лойиҳаси билан ҳақиқийсини солиштириш жараёнларини берилиб кўзатардим. Кейинчалик ижодий фаолиятимда ҳам дадамнинг "Ҳар бир одам ҳар қандай ишни бошлашдан аввал етти ўлчаб бир кешиши керак", деганига амал қилдим.

Оилада саккиз фарзанд эдик. Отам эртадан кечгача ишда бўлар, онам дарс тайёрлашимизгача қаттиқ назорат қилар, шунча юмуш билан бирга сизир, кўй-кўзиларга қараш, рўзгор юмушларини бажаришининг ҳам уддасидан чиқарди. Отам масъулиятли ишларидан ортиб, рўзгорда ҳам онамга имкони етгунча ёрдам берарди. Айниқса, ипак курти боқилган даврларни кўп эсламан: отам курт учун тут шохларини кесиб келса, онам ипак куртларини ўзининг боласига қарагандек парваришларди.

Яна бир қизиқ манзара сира эсимдан чўкмайди. Ишлари бошидан ошиб-тошиб ётган бўлишига қарамай, онам пилладан ип йиғириб, ипак толаларини турли рангларга бўярди. Камалакдек товланаётган ипаклардан ироқи дўппиларга бир-бирига ўхшамаган чиройли гуллар, нақшлар чизиб, кашта тикарди. Болалигимда

тун ярмигача ҳар хил иморатлар лойиҳалари устида ишлаётган отанинг чизмаларини, онаминг қоғозга туширган гул-лола тасвирларини кўриб улгайдим. Ғузаликка, яратувчанликка меҳрим ана ўшанда тушган бўлса керак.

— Ўзбек тасвирий санъати мактаби вакиллари чизган бебаҳо ижод намуналари жаҳоннинг бир қанча кўргазмаларида юксак баҳоланганидан хабаримиз бор. Сизнинг асарларингиз ҳам шундай эътирофга лойик, тўғрими?

—1992 йилда Болгарияда "Ўзбек навалари" номи шахсий кўргазма ташкил этдим. 2008 йили Шанхайда, Ханжой шахрида халқаро кўргазмада қатнашдим. Баланд тепаликда Будда ибодатхонаси бор экан. 20 сентябрь куни бутхонанинг бир тарафида ой, бир томонида кўёш икки соат мобайнида тураркан. Кейин кун ботгач, кўёш кўринмай, ойнинг ўзи қоларкан. Айнан ўша икки соат давомида ушбу ғўзал жараённи қоғозга тушириш вазифаси менга юклатилди, тўғрироғи, илтимос қилишди. Мен бир hafta давомида ҳар кун соатлаб ўша жойни, манзарани ўргандим. Айнан ўша кун расми кўнглимдагидек чиздим ва Ханжой шаҳар музейига топширдим. Кўп мамлакатларда ҳақиқий ҳаётни тасвирлаш санъати сақланиб қолмаган, деярли кўп ижодкорлар замонавий услубда ишлайди. Италиянинг Турин шаҳри ҳокими таклифи билан 2000 йилда Италияда шахсий кўргазма-ни ташкил этдим. Қозоғистонлик ҳамкасбим, таникли рассом Жума Оқин асарларимдан намуна кўрсатганида ҳоким бу асарлар муаллифини меҳмонга қақирамиз, деган экан. Музей учун асарни чизаётганимда атрофимни одамлар ўраб олишган, ишидан завқланиб ишлайдиган рассомнинг суратидан ҳайратланмаслик мумкин эмас, дейишганди.

— Бугун меҳнатларингиз юксак даражада эътироф этилмоқда. Бу муваффақиятлар замирида албатта, улкан истеъдод ва асосийси, машаққатли меҳнат ётибди...

— Ижодкор ахли борки, ҳар доим янги асар яратгиси, нималарнидир чизгиси келади. Хасталаниб тўшақда ётган бўлсангиз ҳам хаёлингизга бир гоя келиб қолса, бас, шунга албатта, қоғозга туширмагунча тинчмайси. Ҳақиқий санъаткор вақт, макон танламайди, унга илҳом келди-ми, ўзини тўхтатмаслиги лозим. Ана шундай қобилиятли инсонлар қалбига сирли илҳом, фикрлар ўз-ўзидан

### Гурунг

келаверади, дейишади. Лекин, ўша истеъдодни йиллар давомида катта меҳнат орқали шакллантириш, улгайтириш, юксалтириш зарур. Ҳаракатсиз ҳеч қачон, ҳеч қандай маррани забт этиб бўлмайди. Бекорчилик ва дангасаликка берилиш умримиз ва вақтимизни зое кетказиш дегани. Рассом ҳар бир соҳани чуқур тушуниши, кўп китоб ўқиши, ҳар бир асардаги майда деталларгача асос билан чизиши керак. Бизнинг касбимизда ёлгон бўлмаслиги лозим. Кўшиқчининг жонли ижроси билан фонограммадаги овози ўртасида катта фарқ сезилганидек, мўйқалам сохибининг ҳам чин юрагидан мушоҳада билан узоқ ўйлаб, ҳақиқий реал ҳаётни тасвирлаган асари яққол кўзга ташланади. Ҳар бир одам ўз соҳасига нисбатан масъулият билан ёндошиши керак. Шундагина елкангиздаги оғир юкни ҳис қиласиз. Масалан, тарихий жанрдаги санъат намунаси учун ҳар бир буюмни чизаётганда ўша замонни ўрганиш керак. Айтилик, XVIII асрдаги буюм XIV аср тасвирланган расмда акс этиб турса, бу ўша рассомнинг билими сазелигидан далолат беради. Бунинг учун ўқиш ва излаш керак. Шунчаки чизилган суратни томошабин бирров кўриб ўтиб кетади, узоқ ўйлашиб ишланган асарлар ўзига жалб этаверади.

Талабалик давримизда устозим Раҳим Аҳмедов "Тинимсиз меҳнат қилиб изалансанг, йиллар ўтиб ёшлигингиздаги машаққатларингиз ўз мевасини беради", дерди. Бу сўзнинг асл маъносини йиллар ўтиб, мана энди англаб етаялгимиз.

— Сиз тасвирий санъатнинг дастгоҳли рангтаъсир йўналишида ижод қиласиз. Бу борада миллий руҳ синдирилган ўзига хос йўналишингиз ва услубингиз бор. Расмларингизни томоша қилаётиб беҳтиёр, бир-бирини такрорламайдиган бундай асарлар ижодқори кўпроқ нимадан илҳомланар экан, деган савол тугилиши табиий, албатта.

— Бир йили гуруҳимиз билан Шаҳрисабз туманида жойлашган қадимий Филон қишлоғига бордик. Дастлаб мен ҳам бошқаларга ўхшаб, Филоннинг ғўзал манзараларини, одамларининг турмуш тарзини чиза бошладим. Лекин аста-секин қишлоқ ҳаётининг асл моҳиятига эътибор бериб қарасам, бу ердаги уйларнинг архитектура жиҳатидан ҳеч қерда такрорланмайдиган ажойиб қурилиши мени ўзига жалб қилди. Буни қарангки, Филон тоғ қиялигида жойлашгани боис, аҳоли уйларининг томи, бирига йўл, бирига девор бўлиб хизмат қилар экан. Ташқаридан томоша қила туриб, кенг доирадаги мана шундай ҳудудда кучли мактаб кўрган, малакали меъмор ҳам бундай иморатларни моҳирлик билан чизиб, қура олмайди-ку, деб ҳайратлана бошладим. Шу-шу ҳар йили ёзда албатта, Филонга жўнайман ва юрагимга яқин бу кўҳна қишлоқ одамлари билан тўйиб-тўйиб гурунглашаман. Шу кунгача яратган манзара, портрет йўналишида мингга яқин асарларимнинг асосий қисми ҳам Филон қишлоғига бағишланган. Авваллари филонликларнинг ташқи яшаш тарзини акс эттирган бўлсам, энди интеръерни кўриб, ҳовлиларнинг, уйларнинг ички қисмларини, одамларнинг чехрасидаги кайфиятни муҳлисларимга тезроқ етказиш беришни режалаштирялман.

**Шаҳноза ТОҶИДИНОВА  
суҳбатлашди.**



**ЗОМИН** — кўнгилсиз ишга сабабчиси, айбодори "зомин" сўзи билан ифодаланadi. Қизиги шундаки, "зомин"нинг туб илдизи "кафил", "бировнинг кафиллигини олувчи" деган маънони англатади. Алишер Навоий асарларида бу сўз ўз асл маъносига мос тарзда қўлланилган.

*Буким жоним ўлумдин  
эмин ўлди,*

*Сизинг алтофу эҳсон*

*зомин ўлди.*

**"Фарҳод ва Ширин"  
достонидан**

*Телбани банд ичра зоминга  
киши топшурмаиш.*

**"Ҳазойинул-маоний"  
девонидан**

— Бировнинг жонига зомин бўлишдан кўркмайсизми? — деди Элмурод.

**Парда Турсун**

**ЗАҚҚУМ** — тилимизда "заҳар-заққум" бирикмаси тез-тез ишлатилиб туради. Бизга "заҳар" сўзининг маъноси аён. Ҳўш, унда "заққум" сўзи қандай маънога эга? Заққум асли заҳарли дарахт. Унинг сутсимон ширасида ўткир заҳарли модда бўлар экан. Ривоятга кўра заққум дўзахда ўсадиган дарахт дейилади. Алишер Навоий ҳам бу сўзни "заққуми жаҳим" — "дўзах дарахти" маъносига қўллаган.

*Чун харита бошини очти лаим,  
Ким йиғилмиш эрди*

*заққуми жаҳим.*

**"Лисонут-тайр" асаридан**

*Ўғри, қаззоб келиб эмиш қошига,  
Заққум қуяй ичаётган ошига.*

**"Юсуф ва Аҳмад"  
достонидан**

**ЗАМИР** — ҳозирги бу сўз бирор нарсанинг асоси маъносига келади. Масалан, "Бу гапнинг замирида нима бор экан?" деганда, гап тагида қандай гап борлигини тушунамиз. Аслида "замир" — "дил", "кўнгил", "юрак", "қалб", "виждон", "ақл", "яширин фикр" деган маъноларни англатади. "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"да бу сўз "мия", "хотира" маъносига келиши ҳам таъкидланган.

*Мазмуни била кўнглум ўти  
кам бўлди,*

*Алфози била замир*

*хуррам бўлди.*

**"Муншаот" асаридан**

**Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.**

# САРАТОНДАН АВВАЛ КЎРҚУВНИ ДАВОЛАШ КЕРАК!

Соғлигимиз — бойлигимиз

— дейди Фаргона вилоят онкология диспансери бош шифокори,  
тиббиёт фанлари доктори Зулфия ИСЛОМБЕКОВА

**Кўкрак саратони ақсар аёлларни кўрқувга солади. Тиббиёт ходимлари ҳам ўз миждозларининг хавотирларига қўшилмасдан иложлари йўқ: сўнги йигирма йил ичида хавфли ўсимта билан оғриганларнинг кўпчилиги кўкрак саратонига чалинган. Айрим тахминларга қараганда, 2020 йилга бориб, ушбу таххис билан оғриган беморлар сови дунё бўйича 15 миллионга етиши мумкинлиги айтилмоқда. БМТ ҳисоботи-дан олинган бу рақамлар сайёрамиздаги барча халқларга бирдек тегишлидир.**

Бундан тушкунликка тушмаслик керак. Кейинги йилларда тиббиёт кўкрак саратонини даволаш борасида анча илгари силжиди. Бу борада олиб борилаётган ижобий ишлар, тиббиётнинг бугунги имкониятлари, касалликнинг олдини олиш ва даволаш йўл-йўриқлари ҳақида билиш учун Фаргона вилоят онкология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Зулфия ИСЛОМБЕКОВАга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— **Зулфия опа, аёлларнинг кўпчилиги саратон касаллиги ҳақида етарлича билмайдилар. Ҳали ёшман ва менда бундай касаллик юз бериши умуман мумкин эмас, деган хулоса билан яшайдилар. Бу ҳақида нима дея оласиз?**

— Ҳа, саратон аёлларга кўпроқ хавф солаётгани табиий. Бу хотин-қизлар ўртасида нисбатан кўпроқ тарқалган ва улар мазкур муаммодан ўзларини олиб қочиш, овуттиш учун ўйлаб топилган тушунча. Агар илгари бундай таххис, одатда, катта ёшдаги (45 ёш ва ундан юқори) аёлларга қўйилган бўлса, ҳозир 30-35 ёшларда ҳам аниқланмоқда.

Кучли руҳий зўриқиш, кўкрак жараҳати, гинекологик муаммолар касалликнинг хавфли жараҳатини кўзгаши мумкин. Кўкрак беши касалликлари (жумладан, саратони) насли ҳам бўлиши мумкин. Касалликнинг ривожланишига сабаб яна бир омил ёлғизликдир. Ташқи кўринишидан улар ғайратли кўринсаларда, кўзлардаги хомушлиқни илғаш қийин эмас. Салбий ҳиссиётларни гормон таъсири эса куттириб қўймайди.

— **Биласиз, ақсар аёллар ҳеч қачон оғримайди-ку, деган ўй**

**билан онколог хузурига боришдан чўчийдилар. Аслида, бирор хасталикка чалинишдан илгари ҳам онколог ёки бошқа мутахассислар маслаҳати зарур-ку!**

— Зарур десак юмшоқроқ бўлар, шарт десак янглишмаймиз. Келинг, бугунги суҳбатимиз мавзуси асосан, онкологик муаммолардан бири кўкрак саратони хусусида бўлганлиги учун кўпроқ шу ҳақда тўхталсак. Маълумки, бу “маккор” касаллик маълум вақтгача ўзини ҳеч қандай белгиларсиз намояндаласлиги мумкин. Саратон бошланғич босқичда кўпинча оғриқларсиз кечади. Аслида, диспансерларга бўлаётгани мурожаатларнинг беш фоизигина онкологияга тааллуқли бўлса-да, қувонишга сабаб кам. Чунки, кўкракнинг хавфли бўлмаган ўсмаси ҳам саратонга айланиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам биз хотин-қизларга ўзингизга эътиборлироқ бўлинг, ўз организмгиз, жумладан, кўкрак қисмингизни назорат қилинг, бирор ноҳўя ўзгариш сезсангиз, дарҳол шифокор хузурига шошилинг, дея ҳамиша маслаҳат берамиз, оғохлантирамиз.

— **Демак, кўкрак саратонини ўз вақтида аниқлаш мумкин экан-да?**

— Албатта, мумкин. Замонавий текшириш усуллари саратоннинг 3 миллиметр ўлчамдагисини ҳам аниқлашга қодир. Саратонни барвақт аниқлагандагина даволаса бўлади. Кўнгилдаги шубҳаларни йўқотиш учун маммография — махсус текширувдан ўтиб, оддий рентген асбоблари аниқлай олмайдиган



босқичида ҳам уни аниқлаш мумкин. Бундай текширувдан барча ёшдаги аёллар, айниқса, 45 ёшдан ўтганлар албатта, ўтишлари шарт. Масалан, АҚШ, Голландия ва Скандинавия ярим ороли ва бошқа ривожланган Фарб мамлакатларида ҳам ҳар йили бир марта мажбурий маммографиядан ўтиш дастури қабул қилинган. Ҳозир биздаги оилавий поликлиникалар ва ҚВБларда онкологик кабинетлар мавжуд бўлиб, хотин-қизларимиз ҳар 3-6 ойда текширувдан ўтиб туришлари тавсия этардим.

— **Рентгенга тушишнинг оғирлигига салбий таъсири йўқми?**

— Йўқ, маммография — энг кам дозали рентген текширувидир. АҚШ медиқлари маммографиядан кўриладиган зарар 1 дона сигаретанинг тўртдан бирини чекишга тенг, дейишади. Жаҳон бўйича олинган маълумотларга кўра, маммографиядан фойдаланиш натижасида кўкрак саратонидан ўлим 25 фоизга камайган. Касалликни олдиндан бошланиш босқичида аниқлаш даражаси эса 80 фоизга кўпайган.

— **Саратон билан оғриган аёлларда қандай хатоларни кузатишгансиз?**

— “Саратонни даволаб бўлмайди. Шундай экан, билиб изтироб чекиб қийналгандан кўра, умуман билмай ўтган яхши”. Ана шундай фикрлай-

диган аёллар ўзлари ва яқинлари олдидаги масъулиятдан кўрақадилар. Албатта, бундай касалликни даволаш — катта синов. Лекин кўкрак саратони илк даврларида аниқланса, албатта даволаш осон кечади Бунда мижознинг иродаси, феъл-атвори ҳам катта роль ўйнайди. Бундан тушкунликка тушиб, ҳаётдан умидини узганларни касаллик жуда осон енгиб олади. Тиббиёт амалиёти саратоннинг иродали инсонлардан кўрқушига кўп бор шоҳид бўлган. Аёлнинг енгилмас душмани ўсманнинг ўзи ёки чандик эмас, аслида, кўрқувдир. У иродани синдириб, касаллик ўз-ўзидан ўтиб кетар, деган хоҳиши тугдиради. Лекин текшириш чоғида ўсма энди катталашгани маълум бўлади.

— **Касаллик вужудга келганда қандай профилактика зарур?**

— Бунда 3 та профилактикани қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, кўкрак саратонига **билрамчи профилактика** — экологик ва мойиллик факторларини ўрганиш орқали касалликнинг олдини олиш. Бунга атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, организмга канцероген таъсири камайтириш, соғлом ҳаётни нормаллаштириш ва бошқалар кириди. **Иккиламчи профилактика** эса рақ олди касалликларини эрта аниқлаш, мастопатиянинг турли формаларини, эндокрин система ва жигар функциялари бузилишлари ўрганилади. **Учинчи профилактика** бу оғохлантириш, эрта таххис қўйиш, рецидив, метастаз ва метакрон ўсма-ларни даволашдир.

Ҳозирги кунда, туман ва шаҳарларда мутахассисларимиз билан билгалликда саратоннинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Бунда, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида урғу беряпмиз.

Биласизми, конҷеробфлар — яъни саратон билан оғришдан қаттиқ кўрқадиган мижозлар бошқалардан кўра кўпроқ шу дарда мубтало бўладилар. Ҳар қандай ҳолатда ишончини йўқотмаслик керак. Ҳатто аёлларимизда кўкрак саратонининг илк даври аниқланганида ҳам тақдирнинг бундай синовини сабру бардош билангина енгиш мумкинлигини таъкидлаймиз. Умуман тушкунликка тушмай, иродани намойиш қилиб, шифокор кўрсатмаларига амал қилинса, бемор, албатта, шифо топади!

**Мадаминҷон СОЛИҶОНОВ**  
суҳбатлашди.

## “ҚАЙЧИ ҚУДА” — ҚАРШИ ҚУДАМИ?

Вифодорлик ҳақидаги гапларни эшитсам, бир танишимнинг ҳаёти ва бундан ўттиз йил аввал, айнан мана шу сардоқатнинг дафъатан хиёнатга айланиши оқибатида парчалангани ёдимга тушаверади.

Шу хонадонда кетма-кет тўй бўлди. Оилалар янада яқинроқ бўлсин деб, Нарғиза опа кенжа қизи Мухлисани келини Санамнинг укасига турмушга берди. Ота-оналар “қарши қудачлик” муносабатларини боғлашди. Қиз кетган хонадонга янги келинчақ келди. Орадан йиллар ўтиб, ҳар икки оилада шириндан-шакар фарзандлар туғилди. Бу орада Мухлисанинг номақбул

қилиқлари ортиб, оиладаги аҳилликка ўз таъсирини кўрсата бошлади. Келинининг нағмалари, нолишлариға чидай олмаган қайнона ўғли Ботиржонни алоҳида уйга чиқарди. Лекин Мухлиса бунга ҳам қаноатланмай, ҳар кун жанажал чиқаришга уринар, унинг бундай қилиқлари замирида соддадил эрига нисбатан қилган хиёнат ётганлиги эса кейинчалик маълум бўлди. Одамлар орасида авж олган миш-мишлар аслида, ҳақиқат эканлиги Ботирнинг ҳам қулоғига етиб келган, хотинини кечира олмай, ажрашишга қарор қилди.

Суднинг якуний хулосасига кўра, улар ўртасидаги эр-хотин-

## Мулоҳаза

лик муносабатлари батамом узилди, болалар Ботир билан қоладиган бўлди. Мухлиса кўп ўтмай, бошқа эрак билан яшай бошлади. Муносабатлар янада муштаҳамроқ бўлишини кўзлаган қарши қудалар ўртасидаги борди-келди анча ёмонлашди. Бу вазият иккинчи оиланинг турмушига ҳам салбий таъсир ўтказди. Эр синглисининг бахтсизлигида хотинини айбдор санаши охири-оқибат, оиланинг парчаланиб кетишиға олиб келди.

Айбсиз айбдорга айланган Санам қайнисинглиси Мухлисанинг ноўрин қилиқлари касриға қолди. Энг ёмони, бугун ўртадаги икки бегуноҳ фарзанд ўртада сарсон-саргардон..

**Эргаш АТОЕВ.**  
Бухоро вилояти.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Хурматли Тилов Исқандарович!**

Сизни таваллуд кунингиз — кутлуг 75 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Узоқ умр, сихат-саломатлик ва ижодий ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.



**ЎзФА Генетика ва Ўсимликлар экспериментал биология институти ходимлари**

## ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 24 июндаги 10-1503/11793-сонли ҳал қилув қарорига асосан Олмазор тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган “GRAND MERKURIY” ҚҚ (СТИР 204873274) фаолияти тугатилади. Давволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:

**Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй.**  
Тел. 140-94-30.

Кадрият

## “НИСО ОЙИГА ЎХШАСАЙДИМ”

— Бу оилага келин бўлиб тушганимга беш йил тўлди. Хар сафар мендаги у ёки бу яхши фазилатларни кўрган қайнотам чуқур хўрсиниб: “Нисо оймга ўхшасан, илоё, умринг ўхшамасин, қизим”, деб кўярдилар. Нималарнидир ўйлаб, чуқур хўрсинади. Хуллас, шу аёл ҳақида яна кўплардан бошқа ибратли воқеаларни ҳам эшитдим. Маҳалламиздагилар ҳам унинг ажойиб фазилатларини доим эшлашади. Қайнотамнинг катта акаси Хожимурод амакимнинг рафиқалари Нисо ойининг ўтганига салкам 20 йил бўлибди. Аммо ибратли, 45 йиллик ҳаёт йўли ҳали-ҳануз яқинлари ёдида.

У киши билан боғлиқ қизиқ воқеаларни эшитиб, ўзимча кадрдон газетамизда ёритсак-чи, деган ният туғилди.

...Туни билан ёққан қор ниҳоят тинди. Атроф оппоқ қорга бурқанди. Ҳозир айна каклик ови вақти. Қаҳратон қишда бечора қушлар емак илинжида тоғдан пастга, қишлоғимизга тушиб келишади.

Адҳам шу баҳонада акасидан машинасини сўрагани, бермади. Яхшиямки, бахтига халоскори, келинойиси бор. Нисо оий (Адҳам келинойисини шундай қақирарди) унга акаси яширган машина калитини ҳам, тўрларни ҳам олиб беради. Аммо кўча қоронги, тонг отишига ҳали яна икки соатча вақт бор. Акаси уйғонгунча овга бориб келса, яхши бўларди-да.

Шу ўйда ҳовлига чиққан Адҳам ошхонада қайнаётган човгунинг овозини эшитди. Ёдига, ҳамомдаги иссиқ сув тушди. Демак, ойиси аллақачон уйғонган. Ошхонага кираркан, ерга мук тушганча хамир қораётган келинойисиниу безатилган дастурхонни кўрди.

— Келинг, Адҳамжон, яхши ётиб турдингизми? Чой ичиб олинг. Яна овгани? Кеча кечқурун ётишдан аввал, калит ва тўрларни олиб кўйгандим. Шундай, айвоннинг дераза тоқчаси олдида турибди.

Келинойиси қачон уйғониб, шунча ишни қилиб улгурганига ҳайрон қолган Адҳам чойни шоша-пиша ичиб, машинани анча жойгача итариб борди. Бу вақтда келинойиси, хамирни сандал олдида ўраб қўйиб, супургини олди: у эрининг ҳаҳли чиқиб, Адҳамни уришмаслиги учун кўчанинг бошигача қор устидаги изларни супирди...

Орадан кўп йиллар ўтди. Келинойиси ана шу муддат давомида кўп бора қайнуқасининг ёнини олди. Келинойиси шу вақтгача биров билан уришиши тугул, ҳатто ҳеч кимга бир оғиз қаттиқ гапирмаган ҳам. Қайнона-қайнота ҳам қаққон, доим юзи кулиб турадиган келинидан ёмонлик кўрмади. Йиллар ўтди, бу орада Нисохон келин ҳам кетма-кет фарзандли бўлди. Адҳам уйланди. Икки ака-ука ёнма-ён ҳовлида яшай бошлашди.

Хожимурод ака баъзан ишдан чарчаб келганида кўшни болалар, уқаси Адҳамнинг болалари билан бир ўй бўлиб тўполон қилишар, уларни уришиб уйига ҳайдарди. Ана шундай кунларнинг бирида айна тушлик пайти уйига уқасининг ўғли беш ёшли Икром келиб қолди. Бугун иши оғир ўтган Хожимурод ота хотини Нисо ойининг: “Кўйинг, ёш бола, бошқа тўполон қилмайди”, дейишига қарамай, ҳовлига кириб келган уқасининг кенжа ўғлини: “Бор, уйларингга ўйналганлар”, дея ҳайдаб юборди...

Кўчада ўйнаб ўтирган Икромнинг олдида Нисо ойиси келиб бир коса овқат тутақзди.

— Амакиндан хафа бўлма, болам. Мана бу сенинг насибанг, еб олгин, — дея бошини силади.

Маҳалладагилар ҳам уни келин деб эмас, оийи деб қақирарди. Бирон муаммоми, йигину маъракаларда аёллар ана шу ойининг маслаҳатларига, насиҳатларига суянишарди. Ҳеч кимнинг дилини оғритмаган, ёш боладан тортиб, нуронийларнинг хурмат ва меҳрини қозонган ва аёл ёзнинг чилласида, қон босими ошиши натижасида дунёдан кўз юмди.

Шу ўринда шоирнинг бир шеъридаги ушбу мисралар ёдимга тушади.

**Шундайлар бўлмаса, агар дунёда,  
Бу қадар мухтарам бўлмасди аёл.**

...Онаси яхши аёл бўлган, дея кўплар бу хонадонга қизларини беришмоқчи бўлди. Бу виси яхши аёл, дея невараларини келин қилиш мақсадидагиларнинг қадами узилмади. Демак, умр тугамайди, инсоннинг эзгу ишлари, яхши хотиралари сақланиб қолаверади. Баъзан Нисо ойининг кенжа набиралари уч ёшли Одилжонга бирон бир нарсани илинсам, меҳмон қилсам, турмуш ўртоғим кулиб, “Оймга ўхшайсан”, дейдилар. Шунда чин дилдан севиниб қўяман...

**ФАРЗОНАНИНГ ҲИКОЯСИНИ  
КАМОЛА ЁЗИБ ОЛДИ.**



## ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДАМАН

**Хурматли таҳририят!**

Сизлардан илтимос, ушбу мактубимни таҳрирсиз, бори-ча чоп этинг. Мен ҳамюртаримизнинг кўмак-тавсияларига муҳтожман.

...Зилола билан тўрт йил бирга яшадик. У имкон қадар ҳаммамизнинг кўнглимизни бирдек олишга ҳаракат қиларди. Аммо ўртамизда фарзанд йўқлиги бизни хавотирга соларди. Даволандик. Пешонага битилмаган бўлса, фойдаси йўқ экан. Иккимиз ҳам бир-биримизга бахт тилаб тинчгина ажрашдик...

Шундан сўнг онам келин излаб, Дилафрўзинг дарагини топди. У ҳам эри билан тўққиз йил яшаб, айнан фарзандсизлик туфайли ажрашган экан. “Унда бири-биримизни тушунишимиз осон бўлади”, деб Дилафрўзга уйландим. Уни яқиндан таниганим сари меҳрим ортиб бораверди. Айтишча, собиқ қайнонаси билан эри “сен тугмас аёлсан”, деб уни кўп хўрлашган экан. Тақдирнинг иноятини қарангки, кетма-кет бир ўғил ва бир қизимиз туғилди. Иккимиз ҳам юзимиз ёруғ бўлганидан хурсанд эдик. У ён кўшнимизнинг келини билан иноқлашиб кетди. Бунга қаршилигим йўқ эди.

Аммо кўпинча ишдан чарчаб келганимда уйда овқат қилинмаган, фарзандларим кўчада қаровсиз юрган бўлишарди. Шундай пайтда жаҳлим чиқиб, уни койиб берардим. Бироқ, ҳеч қачон қўл кўтармаганман. Кейинчалик ишларим юришмай, бироз қийналдик. Кам-харж аҳволда яшашимиз аёлимнинг феъл-атворини ўзгартириб юборди деб ўйламагандим. У мен билан тез-тез жанжаллашадиган, нолиб, ношукурлик қиладиган бўлиб қолди. Уйга келишга юрагим безиллай бошлади. Хуллас, оиламиздан файз-барак ариди. Кўшимча даромад келар, деб тунги қоровулликка ишга ҳам кирдим. Бир кун ишдан қайтсам, уйда ҳеч ким эшикни очмади. Ён кўшним чиқиб кўлимга уйимизнинг калити билан бир варақ қоғоз тутқазди. Унда: “Сиз билан ортиқ яшолмайман, ажрашишга ариза беринг”, деб ёзилганди. Нима қилишимни билмай, гангиб қолдим. У билан ажрашишни хаёлимга ҳам келтира олмадим. Қолаверса, иккимиз ҳам ўз вақтида фарзанд доғини кўргандик ва зурриёларимизни етим қилишимиз гуноҳи азим эди. Кўп ўйлаб ўтирмай, изидан бордим. Қай-

Хатлар - тақдирлар

нотам саломимга алик қайтармай қаршилади ва қизи ҳеч қачон уйга қайтиб бормаслигини, у менга тегиб рўшнолик кўрмаганини айтди. Хар қанча уринмайин, у кишини шаштидан қайтаролмадим. Тўғри, ўртамизда баъзида тушунмовчиликлар бўлиб турарди. Лекин яхши кунларимиз ҳам кўп бўлган. Аслида, ҳаммаси ишларим юришмай қолганидан кейин бошланганди. Шунда опамникига бориб бўлган воқеаларни айтиб бердим. Эртаси куну опа-ука иккимиз, индинига эса саккиз ёшга хатчимиз билан бирга бордик. Мен-ку, майли-я, ёнимдаги аёллар ҳам узок йўл босиб боришганига қарамай, остонадан қайтишгани жуذا ноқулай иш бўлди. Дилафрўз ажрашаман деб туриб олган, ота-онаси ҳам унинг тарафида эди. Бу йили қизим ўн, ўғлим эса саккиз ёшга кирарди. Улар отасиз катта бўлишларини ҳеч истамайман. Орадан ҳамаси бир оялар ўтгач қайнотамнинг ишхонасига бордим. Ёлғиз ўтириб гаплашиб олсак, балки, менга айтмоқчи бўлган гаплари бордир дегандим. Қайда, кўрмаган-дек ўтиб кетди. Ортидан борсам, хонасига киритмади ҳам.

Бу воқеага яқинда тўққиз ой бўлади. Утган вақт ичида олти марта бориб, бесамар қайтдим. Ажрашай десам, фарзандларимсиз яшолмайман. Қолаверса, ўртамизда оиламизнинг бузилишига арзигулик сабаб ҳам йўқ. Бироқ бу аҳволда ҳам юролмайман. На кунимда, на тунимда ҳаловат бор. Эрта кетиб кеч қайтаман, хувиллаган уйимга кирганимда болаларимнинг овози эшитилгандай бўлаверади. Икки ўт орасида қолгандайман. Илтимос, маслаҳат беринг.

**Умид билан  
ОЛИМЖОН.  
Сурхондарё вилояти.**

## ИСТЕЪДОДНИ СИНДИРМАНГ!

**...9 ёшли Лайло деган жияним бор. Жуذا истеъдодли. Беш ёшида 2-3 йил рақс тўғарагида чиниққан қизлардек уйинга тушарди. Кейинчалик унда актрисалик қобилиятини кузатдик. Бир кунги кечки овқатдан сўнг Лайло ҳаммамизни ҳайратлантирди.**

У “Мирзо” театри аъзолари Шукрулло Исроилов, Валижон Шамсиев ҳамда Мирзабек Холмедов чиқишларини кетма-кетликда ажаботвор, кулгили ҳаракатлар орқали ижро этиб бердики, кула-кула ичагимиз узилай деди. Буни кўрган бувиси: “Насиб этса, неварамни санъат мактабига бераман, ундан зўр актриса чиқади”, деб мактади.

Албатта, ён-атрофдагилар боланинг истеъдоди, хоҳишига қараб, келажақда ўз ўрнини топишга кўмак бергани яхши. Бироқ, баъзилар борки, фарзандларини ўзларининг изидан боришларига ундашади. Ёшлигиданқола келинча шунингдир боришади. Улар ота-она касбига қизиқса, хўп-хўп, бироқ акси бўлса-чи?

Тажрибалардан маълумки, мажбуран касб танлаган киши ўз касбига лаёқатсизлик, масъулиятсизлик билан ёндошади. Ўзини ҳамкасблари орасида ноқулай сезади. Хар бир фарзанд ўз келажагини ўзи танлагани маъқул. Ота-она ўз дилбандининг истеъдодини аниқлаб, уни шакллантириши, ривож-

лантириши, керак бўлса рағбатлантириши лозим. Ҳўш, боладаги иқтидорни қандай аниқлаш мумкин?

**Боймирза Норбеков, психолог:**

— Фарзандингизда турли буюмлардан уйлар қуриш ёки бошқа нарсалар кашф қилиш каби ҳаракатларни кузатсангиз, демак, унда архитектура, техника йўналишига қобилият мавжуд. Бола гапиратиб, турли ҳаракатлар қилса, қиёфасини ўзгартириб, атрофдагиларни кулдирса, унда актёрлик маҳорати бор. Борди-ю, у жуذا раҳмидил бўлса, ўзгалар ҳақида жон қойитса, кичкин-тойларни, уй ҳайвонларини эркалаб, суйса, демак, унда ўқитувчилик ва шифокорликка мойиллик бор. Китоб ўқишни, ёлғизликни, эртак, ҳижоляр тўқишни яхши кўрадиган боладан яхшигина журналист ёки шоир чиқиши мумкин. Фаол, ҳаракатчан болаларни спорт тўғарақларига олиб бориш керак. Хар бир фарзанд келажақда ўзи истаган, лаёқати етадиган касбни танласа, ўз вазифасини сидқидилдан адо этишига ишонаман.

Олимларнинг айтишича, болада 5 ёшдан кейин ўқиш, ёзиш, санашга лаёқат пайдо бўларкан. Ўсмирлик даврига келиб, барча ўрганганларини амалиётда қўллаш ҳақида фикр юрта бошларкан.

**Э.НОРБЕКОВ.**

Фикр

**Ушбу мақолани ёзишдан роп-па-роса бир-ярим ой илгари қоғозга алланималарни қоралагандим. Ушандан бери негандир вақт қизганибми ё эринчоқлигим тутибми, тайинли бирор нарса ҳам ёзганим йўқ. Муҳтарам газетхон кўз югуртираётган мазкур материал компьютернинг "маҳсулоти". Орадан қанча вақт ўтади, билмайман, лекин чиндан ҳам қўлимга қалам олишни ва "қолдан тойгунча" чарчаб асар ёзишни, қоғознинг аллақандай бир ҳидидан илҳомланиб, мижжа қоқмай тонг оттиргим келади.**

Қоғознинг қадрини компьютер мониторига тикилиб, узоқ вақт бирор жумла тополмай азобланганда, бир сатр ёзиб, ўн маротаба клавиатура ҳарфларини ўчирганимда, узундан узоқ, мавзуга уланмайдиган "gap"лар шодаси тизилиб хаёлга келганидагина ҳис қила-япман. Қоғоз билан ишлаш кўникмаси компьютерда ёзишдан илгарироқ шаклланган. Лекин компьютернинг ҳам афзаллиги, устунлиги бисёр: вақт тежалиши — ундаги барча нуқсонларни ювиб кетаётгандек... Аслида, таҳрирга муҳтож, бир-бирига "қовушмаган" сиқик жумлалар туғилишида замонавий қурилманинг манфий жиҳатлари кўп.

XXI асрда энг аҳамиятли унсур сифатида эътироф этилаётган — вақт масаласи билан ҳисоблашмай иложимиз йўқ. "Замонавий технология" деб аталган сеҳрли кашфиётлар эса инсониятни маълум маънода тараққиёт билан бирга одимлашга ундайди.

#### БУГУНГИ ТАРИХ

...Яқинда журналдаги бир суҳбатни қизиқиш билан мутолаа қилдим. Суҳбатдош таниқли ижодкор бўлиб, ёзаётган ҳар бир асарини фақат компьютерда теришини айтади. Мен унинг олдинги асарлари билан кейинги даврда ёзганларини солиштириш орқали фарқини топмоқчи бўлдим, аммо тафовут сезмадим. Ўша назм худди шундай. Эҳтимол, у асарини айнан шу усулда ёзишнинг афзаллигини англагандир.

Умуман, ижодкор учун қайси усулда ёзишдан кўра, тасвири худди ўзи ўйлаганидек бериш, қулай жиҳатини ахтариш муҳим. Лекин компьютер "кўмаги"да ҳали тўла шакланмаган назм ва наср, ижодкорни юксалтирмай, унинг оддий ижодкор бўлиб қолишига таъсир кўрсатмаяптими?.. Билмадим, унинг ёруғ ва ҳидсиз "вароғ"и шахсни тарбиялаш хусусиятига эга эмасдек. Бугун балки инсоният қоғоз-қалам билан хайрлашиш жараёнини бошидан кечириётгандир. Орадан бир аср ўтиб, тарихчилар аънавий ёзиш услубини компьютер иxtироси емириб юборди, деб ўрганишар. Худди ибтидоий жамоа тузуми давридаги тош, кейинчалик қорамол териси (ҳарф кашф этилган), дарахт пўстлоғи ё яқин ўтмишга айланган хатотлик санъати каби барчаси мазийнинг бир бўлаги сифатида эътироф этилар. Негаки хатотлик илми ҳам яқин-яқингача илм-фанда "муомала"да бўлган.

#### ХАТТОТЛИК

Қоғозга ёзиш санъат даражасида ривож топди. Хатотлар олим уламо-ларнинг нодир асарларини оққа кўчириб, китобат қилганлар. Хатотлик санъатининг гуллаб-яшнаган даври XIV-XIX асрларни ўз ичига олади. Сабаби, айнан шу даврда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шива ва Балх, Машҳад сингари илм-фан марказларида ўз даврининг етук донишмандлари дунёга келдилар. Улар орасида сўз мулкнинг султони Алишер Навоий алоҳида ҳурмат ва эътирофга лойиқдир. Унинг машҳур "Хамса"сини таниқли хусниҳат эгаси Абдулжамил котиб Ҳиротий зудлик билан оққа кўчирган. Бундай гениал асарлар кўчирилиши жараёнида

хатотдан жуда катта матонат, сабр-бардош ва синқовлик талаб этган.

Хатотлик санъати айнан шу йўналишдаги хатотлик мактабларининг пайдо бўлишига туртки берган. Шаҳрисабз ва Бухоро хатотлик мактабларида бугунги кунгача сақланиб келинаётган ноёб асарлар китобат қилиниб, илм-фан ривож толган шаҳар мадрасаларига тарқатилган.

Алишер Навоий ўзининг энг сўнги асари "Мажolis-ун нафоис"да хатотлар ҳақида тўхталиб, уларнинг меҳнатига таҳсин айтади. Асарда ўша даврнинг пешқадам шахслари Султон Али Машҳадий, Мавлоно Сойимий, Мавлоно Котибий ва Шайхзода Пуроний сингари вакиллари тилга олинади.



## ЧОРРАҲА

ёзиш услуби қайси йўлдан юради?

Яратилган ҳар бир ижод намунаси аввал қўлёзма шаклида бўлган. Қўлёзма оққа кўчирилган нусха билан турлича бўлмаслиги зарур эди. Баъзи ўринлардаги хатоларни шоир ва хатот ўзаро келишиб тўғрилашган ва аниқ хулосага келинган. Гарчи Германияда китоб босиш дастгоҳининг кашф этилиши ва Иогаан Гуттенберннинг шогирдлари саъй-ҳаракатлари натижа-сида бутун Европада китоб босиш кенг тарқалган эса-да, қўлда оққа кўчириш усуллари пухта ўрганган Шарқ хатотлари бу иш билан қарийб XIX асрга қадар машғул бўлдилар.

Хонлик ва амирликларда эса махсус хатотлик ишлари бўлиб, уни хон саройида хизмат қилувчи мирза ва котиблар амалга оширганлар. Бундан ташқари, улар махсус фармон ва фармойишларни омма орасида ёйишга ҳам ҳисса қўшганлар.

Мавлоно Иноятллар котиб, Мирза Абдурахмон, Абдурахмон Дониш сингари хатотлар ўз хусниҳати билан ҳам машҳур бўлганлар. Уларнинг ёзув намуналари бугунгача музейларнинг экспонатига айланган.

Эътибор қаратилса, айнан мана шу даврда инсоният тарихида бемисл кашфиётлар қилинди, башари-ят турмуш тарзининг кескин ўсишига сабаб бўлган асарлар ёзилди ва ҳали аниқланмаган худудларга одам оёғи етди. Шубҳасиз, илм-фан ютуқларида қоғоз ва қаламнинг ўз ўрни бор. У ҳатто замонавий ёзиш услубининг яратилишида муҳим аҳамият касб этгани ҳақиқат.

#### ИЖОБИЙЛИК ВА САЛБИЙЛИК КЕСИМИ

...Қунига SMS хабарларини ўқийсиз. Тўғриси, хатолардан кўра, уларнинг

чала-чулпа, ҳиссиз маълумотлар билан тўлиб тошганлиги киши гашига тегади. Охириги марта қоғоз ва қаламда содда, самимий ва диққат-эътибор билан ёзилган мактубни эслай оласизми?.. Уяли телефон воситаси чиқмасдан аввал ёшлигини ўтказган кишиларнинг хаёлига қоғозда, шам ёруғида севги мактубларини битган онлар келса, ёшларнинг кўз ўнгида уяли алоқа воситалари ва ихтимоий тармоқлар орқали "ҳаш-паш" дегунча клавиатурада терилган шеърлар тажассумланади.

Охириги марта қўлда ёзилган мактубни ўтган йили бўралаб қор ёққан куни ўқиганим эсимда. "Қорхат" эгаси чунона берилиб ёзгани учунми, хусниҳатнинг жимжимдорлиги эмас,

#### Мунозара учун мавзу

лан кўздан кечиради, бўлғуси ходимнинг хати қатор охирига етиб биров юқорига кўтарилса, у оптимист, агар аксинча, паства "шўнғиса" пессимистдир. Хатнинг бир меъёрда дона-дона ҳарфларда ёзилгани кишининг ўзига нисбатан ишончни, катта кичиклиги эса биров лоқайдликни изоҳлайди. Бош ҳарфларнинг катталиги лидерлик қобилиятидан, "гажак" ёзув ниҳоятда нозик-таъбиқдан, ҳафсаласиз битилган "ажиб-бужи" ёзув беқарорликдан нишон. Имзо чекишда, узун ва ҳар хил белгилардан иборат дастхат мураккаблик акси. Қисқа дона-дона ҳарфлар оддийлик ва камтарлик белгисидир.

#### SMS — "ТҮЙХАТ"

Халқимизда "тўйхат" деган аънава бор. Тўйга маслаҳат қуни қавму қариндош йиғилиб, узоқ-яқинларга хабар жўнатишади.

Яқинда кишлоғимиздаги "Ўзаро маслаҳат" куни галати воқеа содир бўлди.

Ҳамма шошилиб, қоғоз-ручкани тахт қилиб, бирма-бир хат ёза бошлаганди, бир "бизнесмен" аканинг калласи ишлаб қолди-да, "сотка"сини шартта олиб барчани чалғитди.

— Эй, оғайнилар биз XXI асрда яшаймиз. Дўсманга боргунча қанча машина ҳалак, бунинг устига вақт кетади. "Вип" тарифидан, хоҳлаганча хабар жўнатишларинг мумкин, — деди.

— Шунинг олдинроқ айтмайсанми?! — деди биров.

— Хайрли ишнинг кечи йўқ! Дарров оғайниларга ёзиб жўнат!

"Тўйхат ҳурмати билдиради" деганларнинг гапи оғизда қолди. Амаким қўлига телефонни олиб бирма-бир барчага SMS жўнатишга киришди. Кимдир тўй хатига тушган кишиларнинг исмини айтиб турди, холос. Ўн минутлар ичида барчани тўйдан воқиф қилишди. Ҳамманинг димоғи чоғ бўлди, биринчидан оворагарчиликнинг олди олинди, иккинчидан пул тежалди...

Мезбонлар меҳмонларни кузатишдан, кечки хизмат ошига ўтиришди.

— Дўсмандан саноклигина одам келди, — деди амаким хайрон. — Биздан бир хафачилик ўтдимикан, ё? Йў-ёй, бирор айб ҳам қилганмиз.

Шу пайт тўсатдан унинг телефони жиринглаб қолди.

— Тўй қилсиз, айтмайсиз! Нима биз курук қўл билан борармик. Қўлга илинган қўйми, кўчқорми етаклаб дегандек.

Амакимнинг ранги ўзгарди, биринчидан қўйдан курук қолганди, иккинчидан тўйга айтмадиган, деб изза қилаётганди. Дўсманлик бобо роса жаврагандан сўнг амаким тилга кирди.

— Бобо ҳаммага SMS жўнатдим. Наҳотки, қарамадингизлар!

Бобонинг жаҳли чиқиб бақирди.

— SMSинг нима бало?

— Телефонингизга жўнатишган хабар-да, SMS!

— Оббо, мен унга тушунмасам, ота! Биз тараққиётни ўйлабмизу, кексаларнинг ҳали уни ўзлаштирмаганини англамабмиз. Қаранг, SMS хати шу ерда панд берди. Кечагина биз уни кўкка кўтариб мақтаётгандик, энди ҳафсаласиз пир бўлди.

Башарият ҳаётида шундай аънавалар борки, уни замонавий воситалар четга чиқаролмайди. У авлод-аждодлар занжирини элакка солишган ундек эланган. Бугунимиз тарихга айланаркан, вақт қулай, фойдали ва безарарини танлайди. Замонавийлик ё аънавийликни танлаш имкони вақт нуқтаи назардан замонавийликка ё аънавийликка боғлиқ бўлса, тарихийлик нуқтаи назардан аънавийликка боғлиқ.

Олимжон ЖУМАОБОВ.

## ПОЕЗДАДАГИ "ТОМОШАЛАР"

...Ўтган ҳафта пойтахтдан Қаршига «Тошкент — Насаф» тезуорар поездда қайтдим. Купеда уч кишимиз. Гурунгимиз кўпам қизи-мади. Мен аввалига китоб, газета варақлаш-га тушдим. Ҳафтага қўйналдим. Барибир беш соатлик йўл ҳар қандай одамни зериктиради. Ниҳоят кўп ўтмай, вагондаги экран ёришди: дастлаб «...совчилар» (номи тўлиқ ёдимда қол-мади) фильмини (агар кино дейиш мумкин бўлса) тишимни тишимга қўйиб томоша қил-дим. Яна ўша эски, маиший мавзу — оилавий можаболар: акасига хотин излаган сингил синфдоши билан турли масхарабозликка қоришиқ воқеаларни бошдан кечиради...

Иккинчи фильм эса баджаҳл қайнона (?) ҳақида экан. Ҳамроҳларимнинг бири ноилож бўлса-да, ўтириб улашга тушди. Мен эса... Бу фильм ҳам ўзимизнинг «маҳсулот». Кейин қўшиқларга навбат етди. «Божалар» деган гуруннинг дупла-дуруст йигитлари ўзларини ҳар томонга отиб, «Лол бўламан» деб алмойи-ал-жойи сўзларни такрорлашга тушди.

Қаерданам «Анжончасига» деган кўшиқ пайдо бўлди-ю, хонаки «шоирлар» бир томон-да «Қашқадарёчасига», бир ёқда эса «Самар-қандчасига», «жиззахчасига» дея қўшиқлар би-тишга ўтиб олишди. Не бўлгандаям «Навоий-часига» деган кўшиқ пайдо бўлмасин-да, деб чўчиб турибман!

...Яна бири «Акасидам ҳам, укасидам ҳам, Амакиси, почаси, тоғасидан ҳам хафа бўламан, мени олиб бермаса» дея шаталоқ отди. Биноий-дай жувоннинг оғиз йиртиб бақирishi... ҳафса-лангни пир қилади. Яна бир қўшиқчи кизимиз: «Кун ўтса ҳам, ой ўтса ҳам, йил ўтса ҳам, масо-фаларни босиб сенга яқинлашаман, эй ёр» деб турган бўлса. Бунисиям ҳолва экан, шу хонан-диннинг кўкрагига уриб: «Чап томонимда сен, ўнг томонимда сен, ҳар томонимда сен» дея жаза-вага тўшганини қандай изоҳлашга тил ожиз.

Хуллас, беш соатлик йўлдаги вақтим аса-бийлик билан ўтди. Бундоқ дўппини бош-дан олиб ўйлаб кўрайлик, азизлар. Неча ўнлаб вагонлар ичида ёшу қари, зиёли, ҳатто чет эллик меҳмонлар ҳам борлигини инобатга олсак, бу поезд йўналишига марса-ул бўлганларни маънавий дунёси қай дара-жада экан, деган ҳақли савол шахсан мени жиддий ташвишга солди. Чунки аввал ҳам кўпчилик юртдошларимдан эшитгандим: бундай кулгули (йўқ, сизу бизни ўйланти-раётган муаммо аслида!) ҳол фақатгина



«Тошкент — Насаф» поездда эмас, балки мамлакатимизни бошқа худудлар билан боғлайдиган йўналишларга қатновчи поезд-ларда ҳам давом этаётган экан.

Хўш, нима қилиш керак? Йўловчиларнинг тўрт-беш ёки боринги, ўн-ўн беш соатлик йўл босиб ўз манзилларига тинч, маънавий-маъри-фий дунёси бойиб етиб олишини ташкил этиш ҳақида жиддийроқ ўйлаш вақти етиб келди. Бал-ки бу борада «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раҳбарияти жамоатчилига ҳавола этилаётган бундай фильм, кўнгличар концерт дастурла-рини намойиш этишдан аввал мутахассислар иштирокида фикрлашиши лозимдир. Юқорида-ги, мен билан яна неча юзлаб йўловчилар то-моша қилишга мажбур бўлган савиясиз, бозор-гир, маза-матрасиз фильмлару қўшиқлар руҳия-тимиз кўзгусига соя солади, холос.

...Поезда кетялману, ҳаёлим паришон бўлиб, кўнглим андак эзилган шу аснода Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбе-ков ижросида янграган Бобур Мирзо ғазал-ига басталанган куйу қўшиқни мириқиб эшитгим келди. Бундай ижро намуналари инсоннинг хотирини жам қилади, мушоҳадага чорлайди. Ўзим уйда ёлғиз қолсам ёки дам олгим келса, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Шоиста Муллажоновна, Берта Да-видова ва яна ўнлаб халқимиз севган ўлмас санъаткорлар ашулаларини, Муюссар Раззо-қованинг арияларини мириқиб тинглайман.

Яқинда яна пойтахтга боришим керак. Ўйлаб ўтирибман, поездда кетсаммикин, ёки?..

Ўроз ХАЙДАР,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.

## МУЛК ЭГАЛИГИ ҲУҚУҚИ БЕРИЛАДИ

Жияним Камола турмуш ўртоғи эрта вафот этгач, кўп қийналди. Оёққа туриб олиши учун нимадир ёрдам беришни ният қилиб юрардим. Ўйлаб қарасам, бисотим-да анчадан бери фойдаланилмаётган машина бор экан. Болалар билан келишиб, шунини жиянимга ҳадя қилмоқ-чимиз. Айтинг-чи, ҳадя шартномаси қандай тузилади?  
Д.Каримова,  
Тошкент вилояти.

— Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи) ашё-ни текинга мулк қилиб беради ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (тала-би) ни беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидидаги мулкий маж-буриятдан озод қилади ёкинчи озод қилиш мажбуриятини олади.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъ-да қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шакл-да берилган бўлса ва келажақда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси, деб тан олинади. Шартнома предмети автомобилотранспорт воситалари бўлса, автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш қонунлари қўлланилади.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчиларнинг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Саволга Олмалик шаҳар 2-сон ДНИ нотариуси  
Анвар ТУРДИМЕТОВ жавоб берди.

## РОЗИЛИК КЕРАК

Ипотека шартномасига асосан ўзимга тегишли бўлган икки хонали квартирамни гаровга қўйиб, банкдан кредит олган эдим. Эндиликда шу квартирамни сотиб уч хонали квартира сотиб олмақчиман. Кредитни тўлиқ тўламасдан ҳам квартирани сотишим мумкинми?

А.Аслонов,  
Зарбдор тумани.

— Ушбу ҳолатда сиз олган кредитингизни тўлиқ банкка қайтаришингиз ёки қонунда белгиланган тартибда гаровга қўйилган квартирани бошқа мулкка алмаштиришингиз лозим бўлади. Гаров нарсасини алмаштиришга гаровга олувчи, яъни банкнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Саволга Зарбдор тумани ДНИ нотариуси  
Ирода АРТИКМУРОВОВА жавоб берди.

## 16 ЁШДАН ОШГЕНИДАН СЎНГ...

12 яшар ўғлимнинг фамилиясини ўзгартирмақчиман, қаерга, қандай тартибда мурожаат қилишим керак.  
С.Бобоева.

— 16 ёшга тўлмаган боланинг фамилияси, исми ва ота исми ФХДЭ бўлимига ота-онанинг биргаликда берган аризасига асосан, 16 ёшга тўлган боланинг туғилганлик ҳақидаги доло-латнома ёзувига ўзгартириш, қўшимча ва тузатиш киритиш эса боланинг ўзининг аризасига асосан амалга оширилади.

Сиз турмуш ўртоғингиз билан биргаликда шахсни тасдиқ-ловчи ҳужжатларингиз билан ФХДЭ бўлимига тегишли тар-тибда ариза (38-илова) тақдим қиласизлар, аризага бола-нинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси асл нусхаси илова қилинади. 10 ёшдан ошган боланинг фамилияси, исми ва ота исми ўзгартирилганида албатта, боланинг ёзма розилиги олинади ва бу розилик ФХДЭ бўлими мудирининг имзоси ва бўлимининг гербли муҳри билан тасдиқланади. Шунинг учун аризани ўғлингиз иштирокида тақдим қилишингиз лозим. Ариза қаноатлантирилгач, болага янги туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёзиб берилади ва тегишли тартибда давлат божи ҳамда йғим ундирилади.

Саволга Зарбдор туман ФХДЭ бўлими мудири  
М.ОРТИКОВА жавоб берди.



Хитойнинг Хунань провинциясида жойлашган Тяньмэнь тоғида табиат боғи барпо этилган бўлиб, бу ерда улкан қоялар бўйлаб сайр қилишга мўлжалланган антика йўл мавжуд. Бу йўл баландлик ва қалтис саргу-заштларни хуш кўрувчи иш-қибозлар учун қурилган. У ер сатҳидан 1200 метр баланд-ликда жойлашганлиги етма-гандек, тик қояларнинг тош деворларига пўлат тиргак-лар ёрдамида маҳкамланган бўлиб, қоя бўйлаб 70 метр-гача чўзилиб боради. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўприк-



симон йўлнинг поли шаф-фоф ойнадан ишланган. Яъни, пастга қараган одам дахшатли чуқурликни кўриб, боши айланиб кетиши тур-ган гап. Тўғри, ойнанинг қалинлиги 6 сантиметр. Шу боис унинг синиш хавфи йўқ. Аммо баъзи сайёҳларни бу ҳолат унчалик ҳам хотиржам қила олмайди.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

## ОЙНАВАНД ЙЎЛ


саргузаштлар ишқибозлари-га ёқадиган совға тайёрлаш-да хитойликларни биринчи ўринга қўйиш нотўғри бўлар-ди. АҚШнинг Колорадо шта-тидаги Катта Каньон дараси-да 2007 йилдан бери Skywalk аргимчоғи ишлаб турибди. Бу аргимчоғи тизими бутун дара узра жойлашган бўлиб, саргузаштсевар сайёҳлар сымарқонларга осилган арка шаклидаги шаффоф ойна ка-биналарда бир километрдан ортқиб баландликда сайрга тақлиф қилинади. Чикагода эса 103 қават(412 метр)лик осмонўпар бинонинг балко-ни тўлалигича шишадан қурилган.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитəsi, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00

E-mail: oila.vajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМБОЕВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусаҳҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма  
Г — 936. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади  
— 4621. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида